
Қоратепалик Маликахон аяга ногиронлик аравачаси етказиб берилди
Ўзбекистон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган юртдошларимизни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шу мақсадда бугун ҳам Республика ишчи гуруҳи вакиллари, 2-сектор раҳбаритуман прокурори ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази мутасаддилари иштирокида “Қоратепа” маҳалласида яшовчи Маликахон ая Исақованинг ҳам ҳолидан хабар олиниб, онахонга ногиронлик аравачаси топширилди.

Кўпдан буён мустақил ҳаракатлана олмайдиган 72 ёшли онахон бундай бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунлигини изҳор этди.

Жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли тадбирлар туманда давом этмоқда.





2024-05-07 16:25:22